

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВ САЛОҲИДДИНЖОН АДХАМОВИЧ

**БОДРИНГНИ ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА ЕТИШТИРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on agricultural sciences**

Юнусов Салоҳиддинжон Адхамович

Бодрингни очик майдонларда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш..... 3

Юнусов Салоҳиддинжон Адхамович

Научное обоснование и разработка инновационных элементов технологии выращивания огурца в открытом грунте..... 26

Yunusov Salokhiddinjon Adkhamovich

Development and scientific justification of innovative elements of the technology of growing cucumber in open ground 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВ САЛОҲИДДИНЖОН АДХАМОВИЧ

**БОДРИНГНИ ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА ЕТИШТИРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1. DSc/Qx48 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Зуев Владимир Ильич

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
қишлоқ фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арамов Музаффар Ҳашимович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Санаев Собир Тойирович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ибрагимов Максуд Йўлдошевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси б.ф.д., академик.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., профессор.

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида мева ва сабзавотларни кунлик истеъмол эҳтиёжини таминловчи соғлом овқатланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабзавотлар ичида бодринг асосий экинлардан бири бўлиб, уни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Дунё бўйича бодринг экилган умумий майдонлар 2 млн. 496 минг гектарни, ялпи маҳсулот ҳажми эса 83,8 млн. тоннани ташкил этмоқда. Ялпи маҳсулот ҳажми бўйича сўнгги йилларда Хитой (65 млн. тонна), Эрон (1981 минг тонна), Россия (1940 минг тонна), Туркия (1827 минг тонна) ва АҚШ (956 минг тонна) етакчилик қилмоқда.¹

Дунёда хусусан бодринг маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга талаб ҳам ортиб бормоқда. Шунинг учун етакчи давлатларда унинг ҳосилдорликни ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда 2019 йили бодринг 25,5 минг гектарда етиштирилган ва ялпи маҳсулот ҳажми эса 1034,2 минг тоннани ташкил этган. Бу аҳоли талабини тўлиқ қондиради. Ваҳоланки, аҳоли сонини ортиб бориши ва маҳсулот экспорт ҳажмини кенгайтириши, маҳсулотига бўлган талабни ҳам ортишига олиб келади. Суғориладиган майдонлар қисқариб бораётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни бирдан-бир йўли ҳосилдорликни оширишдир. Шунинг учун бодрингни янги юқори ҳосилли, навларини яратиш ҳамда бодрингни очиқ майдонда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республикаимизда сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва маҳсулот экспорт салоҳиятини кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» бандида «... қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги «2016-2020 йилларда хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2505-сон қарори, 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2520-сон қарори, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 7 феврал 2016 йилда тасдиқланган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини бажариш Йўл харитаси» ва

¹, statinformatoin.ru/sel/ogurec.html.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасини 2020-2030 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-5853-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий уствор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» уствор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Дунёнинг кўплаб худудларидаги олий таълим муассасалари ва илмий марказлар бодринг нав ва дурагайларни танлаш ва яратиш бўйича илмий ишларни, жумладан: АҚШда (Нью Жерси, Вашингтон Колифорния, Флорида, Жоржия штатларидаги университетлар), Хитойда (Сабзавотчилик ва гулчилик институти, Хуачжон университети), Ҳиндистонда (Варанаси институти), Жанубий-Шарқий Осиёда (Бутунжаҳон сабзавотчилик маркази), Нидерландияда (Вагенинген университети), Испанияда (Барселона университети), Норвегияда (Хорст ва Наалдвайск тажриба станцияси), Венгрияда (Фаркошмайор ИТИ), Россия Федерациясида, Украинада, Молдовада, Арманистонда, Азарбайжонда ва Қозоғистонда олиб борилмоқда.

Жахонда ўсимликларга электр таъсир эттириш ва ўсишни бошқарувчи моддаларни кўллаш бўйича кенг илмий - тадқиқотлар олиб борилмоқда, уларни 4000 дан ортиқ тури маълум. АҚШ, Россия ва Германия ўсишни бошқарувчи моддалар ва биостимуляторлар синтези бўйича, электр таъсирини ўрганиш бўйича Россия ва Ўзбекистон етакчилардан ҳисобланади. Бодрингни очик майдонларда тик симбағаз усулда етиштириш самарадорлиги Исроил, Хитой, Жанубий Корея, Венгрия, Норвегия, Арманистонда аниқланган.

Бодрингни касалликларга чидамлилигини оширишда пайвантагларни танлаш бўйича Япония, Хитой, Германия, АҚШ, Туркия, Греция, Саудия Арабистонида, шўрга чидамлилигини оширишда пайвантагларни танлаш бўйича Хитой ва Бразилияда, совуққа чидамлилигини оширишда Хитойда, бодрингни пайвандлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича Россия Федерациясида илмий ишлар бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда бодрингни касалликларга чидамлилигини оширишда пайвантаг танлашда хорижлик олимлар R.Angela, M.Oda, Yuan Huang, J.Frank, G.Colla, Y.Rouphael, A.Cansev, M.Ozgun, S.Yilmaz, I.Celic, S.Zengin, D.Savvas, R.Abdulaziz Al-Harbi, шўрга чидамлилигини оширишда Liu Shanshan, Zhu Jin, Flavio Favaro Blanco, совуққа чидамлилигини оширишда Yanhong Zho лар томонидан ўрганилган бўлса, МДҲ мамлакатларида А.В.Федоров, Т.Н.Тутова, ҳамда бодрингни очик майдонда тик симбағазда етиштириш самарадорлиги бўйича

Г.С.Мартиросян, М.Доценко ва бошқа олимларнинг илмий ишларида кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда бодрингни ХХ аср охири - ХХІ аср бошларида ЎзСПЭ ва КИТИ ҳамда ТошДАУ томонидан бир қатор навлари яратилди. Ҳозирги пайтда Давлат реестрида уни маҳаллий селекция йўли билан яратилган 14 та нав ва 7 та дурагайи мавжуд.

Ўзбекистонда бодринг ўсимлигига ўстирувчи моддалар, яъни розалин ва ХИБ (З.И.Цой), нитролин (С.С.Асатова), тиомочевина, ИУК, гидрел, этрел, дигидрел, композан (Е.Е.Талалова, В.И.Зуев ва Х.Ч.Бўриев, С.М.Меджитов), ивин-П (Т.Г.Мўминов), гумат натрий (А.М.Аббосов ва бошқ.), НУК ва гибберлин кислотаси ГКз (М.Ю.Ибрагимов) ни қўллаш самараси аниқланган. Бодринг ўсимлигининг мақбул экиш схемаси бўйича Ўзбекистонда О. Қодирхўжаев, М.Ю. Ибрагимов, Н.Э.Эшонқулов, Ф.А.Хожимуратовлар илмий ишларида асосланган. Бироқ, шу кунгача бодринг ўсимлигини етиштиришда электр таъсирларини қўллаш, очик майдонда тик симбағаз усулда етиштириш ҳамда пайвандлаб етиштириш бўйича Ўзбекистонда илмий изланишлар ўтказилмаган. Шунинг учун юқоридаги агроусулларни такомиллаштириш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий - тадқиқот ишлари режасининг қуйидаги: АҚШ нинг РЛ 480 дастури бўйича UB ARS-05 A-2001 «Юқори ҳосилдор, касалликларга нисбатан чидамли помидор ва бодринг навларини аниқлаш, дурагайларини яратиш ва селекция учун бирламчи материаллар билан алмашилиш» (2001-2003 йй.) мавзусидаги; IS-Section-416 (б), «Бодринг, помидор, ширин қалампир ва қовунни энг яхши ажатиб олинган нав ва дурагайларини қиёсий баҳолаш ва давлат нав синовига топшириш» (2004-2006 йй) мавзусидаги давлат грантлари бўйича; ГНТП-17.25 (2003-2005 йй.) ва ДИТД-8 А-11-247 (2006-2008 йй.) давлат грантлари бўйича «Бодрингни Ўзбекистоннинг очик ва ҳимояланган ерларида етиштириш учун яроқли юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, мазаси ва технологик сифати жихатидан яхши нав ва дурагайларини яратиш»; А-08-123 «Помидор ва бодринг уруғлари ва ўсимликларига электр таъсир этувчи усулларининг самарадорлигини асослаш» (2006-2008 йй.); КА-9-003 «*Cucurbita moschata Duchesne, Cucurbita maxima Duchesne, Cucurbita pepo L., Linum brevimulticaulia, Brassica napus L.* Ўсимликларини тажриба участкаларда селекция ишларини ўтказиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бодрингни очик майдонда юқори ҳосилли, касалликларга чидамли нав намуналарини ажратиш ва яратиш ҳамда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бодрингнинг очик майдонларда маҳаллий ва интродукция қилинган нав намуналарини коллекцион ва дастлабки нав синовларида қимматли хўжалик белгилари бўйича комплекс таққослаш;

юқори ҳосилли, касалликларга чидамли навларини ажратиш, танлов нав синовларида синаш ва истиқболлиларини давлат нав синовига топшириш;

янги олинган линиялардан янги юқори ҳосилли, ун шудрингга чидамли, меваси калта, тўқ яшил усти силлиқ намуналарни ажратиш;

ўсишни бошқарувчи этрел, оксигумат ва нитролин моддаларини ҳамда гумат натрий ва рослин ўстирувчи моддалар билан турли хил электр таъсирларни биргаликда қўллаш усуллари самарадорлигини аниқлаш;

бодринг ўсимлигининг ҳар хил палак навлари учун мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлигини аниқлаш;

бодрингни симбағаз усулда етиштиришга мос навларини танлаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

бодрингни пайвандлашда юқори тутувчанлигини таъминловчи пайвандлаш усуллари ва уларнинг морфо-биологик белгиларини ўрганиш, истиқболли пайвантагларни ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бодрингни 14 та Ўзбекистонда ва 30 та АҚШда етиштирилган нав намуналари ўсимлиги ва мевалари, бодрингни селекцион кўчатчиликда ўрганилган 25 линия, 5 та ўсишни бошқарувчи моддалар, электр фаоллаштирилган сув, уруғни ПЧЭМТ+УБН да нурлантириш, ўсимликни УБН да нурлантириш, 21 та экиш схемаси ва ўсимлик қалинлиги, очик майдонда тик симбағаз, 6 та пайвандлаш усули, пайвандлаш учун 13 та пайвантаглар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бодрингни очик майдонда Ўзбекистон ва АҚШда етиштирилган нав намуналарини баҳолаш, Ўзбекистон учун истиқболли яъни селекция учун бирламчи манбаа сифатида тезпишар, ихчам палак, фузариоз сўлиш ва ун шудрингга чидамли, ҳосилдорлиги ва майда мевалилиги бўйича нав намуналарини ажратиш; уруғ ва ўсимликка ўсишни бошқарувчи моддалар ва электр таъсирларини қўллаш усуллари аниқлаш; ўсимликнинг ҳар хил палак навлари учун мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлигини аниқлаш; бодрингни очик майдонда тик симбағаз усулда етиштиришнинг иқтисодий самараси ва унга мос навларни танлаш; бодрингни пайвандлаш технологиясини такомиллаштиришда пайвандустни юқори тутувчанлигини таъминловчи пайвантагларни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда дала тажрибаларини ўтказишда фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, фузариоз сўлиш ва ун шудринг касалликларига чидамлилигини аниқлаш, ҳосил миқдори ва товарбоплик сифати бўйича кузатувлар олиб борилди. Тадқиқот натижаларини статистик тахлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида дисперсион тахлил усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида бодрингни очик майдонда Ўзбекистон ва АҚШда етиштирилган нав намуналари тезпишарлиги, ихчам палаклиги, фузариоз сўлиш ва ун шудринг касалликларига чидамлилиги, ҳосил миқдори

ва ҳосилни товарбоп сифатлари бўйича баҳоланган ҳамда шулар асосида Ўзбекистон учун истиқболлилари ажратиб олинган;

бодринг селекцияси учун бирламчи манбаа сифатида тезпишар, ихчам палак, фузариоз сўлиш ва ун шудрингга чидамли, юқори ҳосилли ва калта мевали намуналар ажратилган;

янги олинган линиялардан селекция ва назорат кўчатчилигида намуналарни комплекс баҳолаш бажарилган, танлов нав синови натижасида давлат нав синовида топширилган;

кенг тарқалган ўсишни бошқарувчи моддалардан этрел, оксигумат ва нитролинни бодринг ўсимлигига қўллаш усулларининг самарадорлиги аниқланган;

фаоллаштирилган сув таъсири, ультрабинафша нурлар, паст частотали электромагнит тўлқинлар (ПЧЭМТ) билан уруғларни нурлантириш ва ўсимликни УБН билан нурлантириш ҳамда ўсишни бошқарувчи моддалардан гумат натрий ва рослин моддаларини қўллашнинг самарадорлиги аниқланган;

бодрингни узун палак ва калта палак навлари учун мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлиги аниқланган;

бодрингни очик майдонда тик симбағаз усулда етиштириш самарадорлиги аниқланган;

тик симбағаз усулда етиштиришга мослашган бодринг нав намуналари ажратилган;

бодрингни қовоқдош ўсимликларга пайвандлаб етиштиришнинг мақбул усуллари аниқланган;

пайвандлаш учун пайвантаг турлари ажратилган, пайвандтагни пояси узунлиги ва диаметри ҳамда пайвандустни юқори тутувчанлигини таъминловчи мақбул микроиклим шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бодрингнинг маҳаллий Омад, Серсув14, Талаба, Ғолиб ва Мафтун навларини экин майдонини кенгайтириш тавсия этилган;

юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, Ўзбекистон учун истиқболли Голландиянинг SXQ 3533 classic F₁ дурагайи ажратилган, давлат нав синовидан мувофақиятли ўтиб, Давлат реестрига киритилган;

бодрингнинг 3 та юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, меваси калта, тўқ яшил ва усти силлиқ янги Ғолиб, Мафтун ва Севинч навлари ажралиб чиққан ҳамда Давлат реестрига киритилган;

ўсишни бошқарувчи моддалардан этрел, оксигумат ва нитролинни бодринг етиштиришда қўллаш самарадорлиги аниқланди ва уларнинг ўсимлик уруғларини ивитишга нисбатан ўсимликка икки марта пуркаш усули самарадорлиги исботланган;

гумат натрийни (50 мг/л), эритмасини бодринг ўсимлигига икки марта пуркаш ва уруғларни ивитиб экиш, рослин моддасини ўсимликка бир марта пуркаш, уруғларни ПЧЭМТ+УБН билан нурлантириш ва икки марта УБН билан нурлантириш самарадорлиги аниқланган, ўсишни бошқарувчи моддалар ва нурлантиришни биргаликда қўллаш самарадорлиги исботланган;

бодрингни калта палак навлари учун экиш схемаси $\frac{(70+70)}{2} \times 45$ см, ўсимлик қалинлиги 31746 ўсим/га, ва узун палак навлар учун - $\frac{(70+140)}{2} \times 40$ см, ўсимлик қалинлиги 23809 ўсим/га каби энг мақбул экиш схемалари аниқланган;

бодрингни очик майдонда Ўзбекистон шароитида тик симбағаз усулда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган, унда етиштириш учун Мафтун, Нафис, Ғолиб, Севинч навлари, Самар F₁ ва Орзу F₁ дурагайлари тавсия этилган;

бодрингни қовоқдош ўсимликларга пайвандлаб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги исботланган;

пайвандлаш учун истикболли, пайвандустнинг юқори тутувчанлиги ва ҳосилдорлигини таъминловчи Лагенария AV 4, мускат қовоқни Палов каду 268 ва Кашгарская 1644 пайвантаглари ажратиб олинган;

пайвандлашда пайвантагнинг мақбул поя узунлиги ва диаметри (3,1 см, 2,3 см) ҳамда мақбул ҳарорат (кундузи 22-28°C, кечаси 18-20°C) ва ҳавонинг нисбий намлиги (90-95%) аниқланган;

пайвандлашнинг энг самарали яқинлаштириб ва искана усуллари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижалари республика, халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бодрингни мамлакатимизда етиштириш учун истикболли ҳамда бодринг селекцияси учун бирламчи манбаа сифатида бир қатор нав ва дурагайлари ажратилганлиги, унга электр таъсирлар ва ўсишни бошқарувчи моддаларни биргаликда қўллаш самарадорлиги билан баҳоланади. Бодрингни ҳар хил палакли навлари учун мақбул экиш схемаси, очик майдонда бодрингни тик симбағаз усулда етиштириш самарадорлиги ва қовоқдош ўсимликларга пайвандлаб етиштириш самарадорлиги илмий асосланган. Пайвантаг сифатида, пайвандустнинг юқори тутувчанлигини ва ҳосилдорлигини таъминловчи пайвантаглар аниқланганлиги, пайвандлаш технологиясини такомиллаштириш ва унинг элементлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлари натижаларининг амалий аҳамияти бодрингни юқори ҳосилли, касалликлага чидамли Омад, Талаба, Серсув 14, Ғолиб, Мафтун, Севинч навлари, Ajax F₁, Alibi F₁, Turbo, Speedway, SXQ 3533 classic F₁ дурагайлари ажратилди. Бодрингни SXQ 3533 classic дурагайи ва янги Ғолиб,

Мафтун, Севинч навлари Давлат реестрига киритилди. Этрел, оксигумат ва нитролин моддаларини ўсимлик уруғларини ивитиб экишдан кўра, ўсимликнинг ўсув даврида баргидан икки марта пуркаш усули самарадорлиги аниқланди. Гумат натрий ва рослин моддаларини уруғ ва ўсимликларни нурлантириш билан биргаликда қўллаш самарадорлиги исботланди. Энг мақбул экиш схемаси калта палак навлар учун $\frac{(70+70)}{2}$ x 45 см ва узун палак навлар учун - $\frac{(70+140)}{2}$ x 40 см эканлиги исботланди.

Бодрингни очик майдонда тик симбағаз усулда етиштиришда Мафтун, Нафис, Ғолиб, Севинч навлари Самар F₁ ва Орзу F₁ дурагайларини экиш самарадорлиги асосланди. Бодринг учун пайвантаг сифатида Лагенария AV 4, мускат қовоқни Палов каду 268 ва Кашгарская 1644 навларидан фойдаланиш пайванлашни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бодрингни очик майдонларда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Рекомендации по подбору высокопродуктивных сортов и гибридов огурца для Ташкентской области» (2002), ва «Помидор ва бодринг экинларининг ўсиши ва ривожланишини авжлантириш бўйича тавсиянома» лар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/029-693 сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

бодрингни Голландиянинг SXQ 3533 classic дурагайи (2007) ва янги Ғолиб (2009), Мафтун (2013), Севинч (2020) навлари Давлат реестрига киритилди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/029-693 сон маълумотномаси). Бодрингни янги Ғолиб, Мафтун ва Севинч навларини Андижон вилояти Марҳамат тумани «Мерожд» фермер хўжалиги, Андижон вилояти Асака туманидаги «Самарагрозоветсервис» МЧЖ хўжалигида, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Истиклол Шукурова Г.Н.», «Темирқадам Артикова Шохиста», «Зафаробод агро продукт» каби фермер хўжаликларида 11,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/029-693 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида стандартга нисбатан 20-24% юқори ҳосилдорликка эришилган;

бодрингни мақбул экиш схемалари ишланмаси Андижон вилояти Марҳамат тумани «Мерожд» фермер хўжалиги, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Истиклол Шукурова Г.Н.» фермер хўжаликларида 4,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/029-693 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида назоратга нисбатан 20-21% юқори ҳосилдорликка эришилган;

бодрингни очик майдонда тик симбағазда етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Асака тумани «Самарагрозоветсервис» МЧЖ хўжалигида,

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Хусанбой Бобур сабзавотчи», Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Истиклол Шукурова Г.Н.», «Темирқадам Артикова Шохиста», «Зафаробод агро продукт» каби фермер хўжаликларида 5,4 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/029-693 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида назоратга нисбатан 24-28% юқори ҳосилдорликка эришилган;

очик майдонда бодрингни қовоққа пайвандлаб етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Асака тумани «Самарагрозоветсервис» МЧЖ хўжалигида, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Хусанбой Бобур сабзавотчи», фермер хўжаликларида 0,6 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/029-693 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида назоратга нисбатан 24-25% юқори ҳосилдорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 29 та, шу жумладан 17 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, 3 та селекция ютуқлари гувоҳномаси ҳамда 2 та тавсиянома ва 2 та услубий кўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзусига оид чет эл тадқиқотлари шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ва изланувчи иштирокида ўтказилган илмий амалий лойиҳалар рўйхати ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти ва предмети ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шакллантирилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги акс этган, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида маълумотлар апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**» деб номланган биринчи бобида бодринг етиштириш технологиясининг асосий муҳим элементларидан бири нав хақида, бодринг селекцияси услуги ва йўналишлари, ушбу экин навларига талаб, бодрингни турли хил давлат ва худудлардаги нав намуналари, ун шудринг касаллигига чидамли ва маҳаллий истеъмолчилар талабларига жавоб берувчи калта мевали, усти силлиқ, тўқ яшил янги навларни чиқаришга эҳтиёж исботланганлиги адабиётлар маълумотлари билан тавсифланган.

Ўсишни бошқарувчи моддалар ва электр таъсирларни кенг тарқалганларини қўллаш орқали ўсимликда содир бўлувчи физиологик жараёнларни бошқариш эҳтиёжи ёритилган. Ўсишни бошқарувчи моддалар ва электр таъсирлари қўлланган тадқиқот натижалари бўйича адабий манбаалари шарҳланган.

Ўсимликни экиш схемаси ва қалинлиги танловининг назарий асоси белгиланган. Ўзбекистонда бодринг ўсимлигини мақбул экиш схемаси ва қалинлигига оид ўтказилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Бодрингни очиқ майдонда тик симбағазда етиштириш, унинг учун мос навларни танлаш самарадорлиги бўйича тадқиқот натижалари хақида адабиёт маълумотлари келтирилган. Бодрингни қовоқдош экинларга пайвандлаб етиштириш усуллари, пайвандлашнинг ҳосилдорлик ортишига, касалликлар ва ноқулай абиотик омилларга таъсири баён этилган. Паст ҳарорат ва юқори курғоқчилик, касалликларга чидамлилигини оширишда пайвантагларни танлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Пайвандлаш учун микроиқлим шароитлари ва пайвандлаш усуллари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни бажариш шароитлари ва услубияти**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ТошДАУ да ўтказилганлиги, дала тажрибалари Ўсимликшунослик ИТИ нинг экспериментал базасига кўйилганлиги, тупроқ – иқлим шароити Тошкент вилояти худудига тўғри келиши баён этилган. Бир қатор услубий қўлланмалар асосида тадқиқотлар олиб борилган. Дала тажрибаларини ўтказиш услубини бажаришда кузатувлар, ҳисоблаш ва тахлиллар тартиби келтирилган. Асосий тадқиқот натижаларини статистик тахлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида дисперсион тахлил бўйича белгиланган. Илмий ишланмаларни иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Бодрингни юқори ҳосилли, касалликларга чидамли нав ва дурагайларини ажратиш ҳамда яратиш**» деб номланган учинчи бобида бодрингни очиқ майдонда етиштиришда истиқболли нав ва дурагайларини танлаш учун бодрингни 14 та Ўзбекистонда етиштирилган ва 12 та АҚШда етиштирилган нав намуналари бўйича дастлабки нав синови (2001-2002 йй.) ҳамда 18 та АҚШда етиштирилган коллекцион нав намуналари (2002-2003 йй.) ўрганилди.


Тадқиқот натижасида эртапишар, эртаки ҳосили стандарт Парад навига нисбатан 1,5-1,9 баробар юқори - маҳаллий Омад ва Серсув 14 навлари, Ajax F₁, Alibi F₁, SXQ 3533 classic F₁, Prince F₁, Sweet Slice F₁ дурагайлари, ихчам палак - Ajax F₁, Alibi F₁ дурагайлари ва Space master нави аниқланди.

Синалган нав намуналари ичида фузариоз сўлиш ва ун шудринг касаллиги билан касалланмаганлари бўлмади. Фузариоз сўлиш касаллигига жуда чидамли Space master, Slicing Lemon навлари, Fanfare F₁, Prince F₁, Ajax F₁, Alibi F₁ дурагайлари бўлди. Ун шудринг касаллигига ўртача чидамли Парад, Конкурент, Гулноз, Серсув 14, Marketmore 76, Straight 8 навлари ва Sweet Slice F₁, Turbo F₁, Speedway F₁ дурагайлари аниқланди.

Юқори ҳосил Prince F₁, Alibi F₁, Sweet Slice F₁, Turbo F₁, Speedway F₁, SXQ 3533 classic F₁ дурагайларида, Омад, Талаба, Серсув 14 навларида шаклланди.

Нисбатан юқори ҳосилли, Давлат реестрига кирмаган АКШда етиштирилган Prince F₁, Turbo F₁, Speedway F₁ SXQ 3533 classic F₁ дурагайлари 2003-2005 йилларда маҳаллий Омад навига таққосланиб танлов нав синови ўтказилди. Бунда барча синалган нав намуналари палагининг ўсиши бўйича ўртача ўсувчи эканлиги аниқланди. Уларнинг барчаси фузариоз сўлиш касаллиги билан жуда паст даражада (10% дан кам), ун шудринг билан эса ўсув даврининг охирида кучли (68-85%) даражада зарарланган. Нисбатан кам даражада фузариоз сўлиш (5-7%) ва ун шудринг касалликлари билан (55-69%) Turbo F₁, Speedway F₁ зарарланган.

Turbo F₁ ва Speedway F₁ дурагайлари ҳосилдорлик бўйича стандартдан юқори бўлди. SXQ 3533 classic F₁ ва Prince F₁ дурагайлари ЭКМФ дан юқори бўлмаган ҳосил тўплаган, яъни стандарт билан бир хил деса бўлади (1-расм).



1-расм. Танлов нав синовида экилган бодринг нав намуналарининг умумий ва товарбоп ҳосилдорлиги, т/га (2003-2005 йй.).

Turbo F₁, Speedway F₁, SXQ 3533 classic F₁ дурагайлари Давлат нав синовида топширилди. SXQ 3533 classic F₁ дурагайи нав синовдан мувофақиятли ўтгандан сўнг 2007 йили Давлат реестрига киритилди.

Янги навларни яратишда 2003-2005 йиллари аввал ажратилган 5 та линиялар (2-5-2, 15-2, 15-3, 15-4, 15-0) бўйича танлов нав синови ўтказилди.

Бунда нав намуналари Узбекский 740 стандарт навига таққосланган ҳолда касалликларга чидамли, ўсув даври ва ҳосил бериш давомийлиги, баргланиш ва шохланиши эрта содир бўлганлиги баҳоланди.

Ун шудринг касаллиги билан стандарт нав ўртача даражада (45%), кам даражада 2-5-2 линияси (12-15%) ва жуда паст 15-4, 15-3 линиялари (7,5%) касалланган. Барча синалган линиялар стандарт навга нисбатан умумий ва товарбоп ҳосилдорлиги, товарбоп ҳосил улуши ва мева сифати бўйича юқори эканлиги аниқланди. Нисбатан юқори ҳосилли 15-3 линияси яъни Ғолиб нави

остида Давлат нав синовига топширилди ва синовдан мувофақиятли ўтганлиги учун 2009 йили Давлат реестрига киритилди.

2003-2005 йиллари танлов нав синовини ўтказиш натижасида янги селекция босқичига ўтилди. Бунда 2003-2004 йилларда селекция кўчатчилигида янги 25 та линиялар синалди. 2005 йили улар орасидан энг яхши 13 та си назорат кўчатчилигида синалди. Улардан учта линия (13⁶, 13⁷, 54) танлов нав синови учун ажралиб чиқди. Ушбу учта линиялар билан бирга аввал синалган 15-0, 15-2, ва 15-4 линиялар Узбекский 740 ва Омад стандарт навларига таққосланган ҳолда танлов нав синови ўтказилди.

Ушбу нав синовида барча линиялар эртапишар гуруҳига мансуб бўлди ва уларнинг уруғи экилгандан 43-44 кун ўтгач ҳосилга кирган. Нисбатан ихчам палак Узбекский 740 ва 15-2 линияси ҳамда нисбатан кучли ўсувчи ва баргланувчи 15-4 линияси аниқланди. Стандарт навга нисбатан ун шудринг касаллигига 15-4, 15-2 ва 15-0 линиялар чидамли эканлиги ва ушбу касаллик билан кучли зарарланган 13⁷ ва 54 линиялар кузатилди. Барча синалган линиялар Узбекский 740 стандарт навга нисбатан умумий ва товарбop ҳосилдорлиги юқори эканлиги аниқланди. Омад навидан товарбop ҳосилдорлик бўйича фақат 15-4, 15-0 ва 15-2 линиялари юқори бўлди. Барча синалган нав ва линиялар майда мевали эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Бодрингни танлов нав синовида умумий ва товарбop ҳосили, мевасининг ўртача вазни ва дегустацион баҳоси 2006-2008 йй.

Нав намуналари	Умумий ҳосил, т/га	Товарбop ҳосил, т/га						Мевани ўртача вазни, г	Дегустацион баҳоси, балл
		2006	2007	2008	ўрт.	стандартга нисбатан, %			
						Узбекский 740	Омад		
Узбекский 740 стандарт	30,1	23,4	25,6	28,2	25,7	100	81,6	131	9,0
Омад стандарт	36,0	30,0	31,2	33,4	31,5	123	100	122	9,0
15-0	37,5	32,6	32,2	34,9	33,2	129	105,4	121	9,5
15-2	37,6	32,4	33,5	34,6	33,5	130	106,3	124	9,6
15-4	37,5	33,2	32,8	34,4	33,5	130	106,3	132	9,8
13 ⁶	36,1	32,7	31,9	33,5	32,7	127	103,8	135	9,8
54	34,5	28,4	30,5		29,4	114	96,1	113	9,4
13 ⁷	34,1	29,6	28,2		28,9	112	94,4	112	9,2
ЭКМФ ₀₅		1,40	1,83	1,54					
Sx, %		2,02	2,6	2,04					

Янги 15-4, 13⁶ ва 15-2 линиялари стандарт навлардан товарбop ҳосил улуши бўйича устун бўлди. 15-4 линияси Мафтун нави остида Давлат нав синовидан мувофақиятли ўтиб, 2013 йили Мафтун нави Давлат реестрига киритилди.

15-0 линияси Орзу F₁ дурагайи билан чаптирилди ва танлов ўтказилгандан кейин Севинч нави остида Давлат нав синовига топширилди, ундан мувофақиятли ўтиб, 2020 йили Давлат реестрига киритилди.

Диссертациянинг «Бодринг уруғи ва ўсимлигига ўсишни бошқарувчи моддалар ҳамда электр таъсирларини қўллаш усуллари самарадорлигини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида этрел, оксигумат ва нитролин моддаларини қўллаш усуллари самарадорлиги (2001-2003 йй.), уруғ ва ўсимликларга ўстирувчи моддалардан гумат натрий ва рослин, фаоллаштирилган сув, нурлантириш ҳамда уларни биргаликда қўллаш самарадорлигини (2006-2008 йй.) аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Этрел моддаси ўсимликни ер устки қисмини ўсишдан тўхтатган, оксигумат ва нитролин моддалари эса кучайтирганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал.


Бодринг ўсимлигига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашнинг асосий ва ён шохлар узунлигига, барглар сонига, мевани ўртача вазни ва ҳосилдорлигига таъсири (2002-2003 йй.).

Ваиантлар	Узунлиги, см		Сони, дона		Умумий ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосил, т/га			1-наз. нисбатан, %
	поя	ён шох	ён шох	барг		2002	2003	ўрт.	
Куруқ уруғ- назорат-1	97,6	448	5,6	90,0	39,6	39,2	32,5	35,8	100
Сув (уруғни ивитиш) - назорат-2	99,5	452	5,6	89,0	39,4	39,6	33,0	36,3	101
Этрел (ивитиш, 800 мг/л)	91,0	426	5,2	86,6	42,2	41,8	36,1	38,9	109
Этрел (1 марта, 400 мг/л)	81,2	394	5,1	83,8	44,4	43,5	37,6	40,5	113
Этрел (2 марта, 400 мг/л)	73,8	364	4,9	80,8	45,2	44,8	39,0	41,9	117
Оксигумат (ивитиш, 50 мг/л)	103,5	499	6,2	99,9	41,9	41,5	35,9	38,7	108
Оксигумат (ивитиш, 80 мг/л)	108,1	520	6,4	104,3	42,1	41,9	36,2	39,0	109
Оксигумат (1 марта, 50 мг/л)	113,7	541	6,7	109,1	43,8	43,3	37,4	40,3	112
Оксигумат (2 марта, 50 мг/л)	120,2	568	7,2	117,4	45,2	44,1	38,3	41,2	115
Оксигумат (3 марта, 50 мг/л)	119,3	572	7,1	116,4	44,7	43,8	37,8	40,8	114
Оксигумат (4 марта, 50 мг/л)	119,9	563	7,0	114,9	44,5	43,7	38,0	40,8	114
Нитролин (ивитиш, 5 г/л)	103,3	504	6,2	96,6	40,5	40,0	34,2	37,1	103
Нитролин (1 марта, 50 мг/л)	109,1	533	6,4	99,3	42,1	41,6	36,1	38,8	108
Нитролин (2 марта, 50 мг/л)	113,6	559	6,6	110,9	43,6	43,0	37,3	40,1	112
Нитролин (3 марта, 50 мг/л)	114,9	560	6,6	112,5	43,2	42,7	37,1	39,9	111
Нитролин (4 марта, 50 мг/л)	115,2	572	6,8	113,4	44,4	43,0	37,4	40,2	112
ЭКМФ ₀₅ , т/га						0,7	0,98		
Sx, %						2,57	4,02		

Ҳар учала ўстирувчи моддалар бодринг ўсимлиги ҳосилдорлигини оширган, яъни этрел моддасида мевалар сонини ортиши ҳисобига, оксигумат ва нитролинда эса меванинг ўртача вазнини ортиши ҳисобига кўпайган. Барча ўстирувчи моддаларни ўсимлик уруғларини ивитиб экиш ва ўсув даврида пуркаш усулларини қўллаш самарали бўлди. Нисбатан ўсимликка икки марта қўлланган усул самараси юқори бўлди. Пуркаш сонини кўпайтириш, яъни икки мартадан ортиқ қўллаш ҳосилдорликни ортишга таъсир этмаган.

Ўсишни бошқарувчи моддалар ва электр таъсирлар самарадорлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, бодринг ҳосилдорлигига азотли ўғитларни одатдаги ва кучайтирилган фонда қўллашда фаоллашган сувнинг таъсири сезилмади, ўсишни бошқарувчи моддалардан гумат натрий ва рослинни таъсири, уруғни ПЧЭМТ+УБН билан нурлантириш икки марта УБН билан ўсимликни нурлантириш самараси юқори бўлди.

Бодринг уруғларини ивитиб экиш ва ўсимликка икки марта пуркаш, гумат натрий билан ПЧЭМТ+УБН биргаликда қўлланганда нисбатан юқори ҳосил олинган (2-расм). Ишлаб чиқаришдан олинган қўшимча даромад 5332,9 минг сўм/га ни ташкил этди.



2-расм. Турли хил ўсишни бошқарувчи моддалар ва электр таъсирларни қўллашнинг бодринг ўсимлиги ҳосилдорлигига таъсири (азотли ўғитни одатдаги фонда қўлланилганда, 2007-2008 йй.).

Диссертациянинг «Бодринг ўсимлигини ҳар хил палакли навлари учун қулай озикланиш майдони ва ўсимлик қалинлигини аниқлаш» деб номланган бешинчи бобида тадқиқот йўналиши бўйича тажрибаларни бажариш икки босқичда ўтказилди: бодрингни узун палак ва калта палак навларини (2002-2003 йй.) ва янги узун палак навларини (2015-2016 йй.) мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлиги аниқланди.

Калта палак навларни мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлигини аниқлашда қўш қатор лентасимон $\frac{(70+70)}{2}$ қатордаги ўсимликлар оралиғи 20, 30, 45, 60 ва 75 см, озикланиш майдони эса мос равишда 0,14, 0,21, 0,315, 0,42 ва 0,525 м² ҳамда ўсимлик қалинлиги 71,4, 47,6, 31,7, 23,8 ва 19,0 минг

Ўсим/га ни ташкил этди. Узун палак навларни мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлигини аниқлашда қўш қатор лентасимон $\frac{(70+140)}{2}$ қатордаги ўсимликлар оралиғи 20, 30, 40 ва 50 см², озикланиш майдони 0,21, 0,315, 0,42 ва 0,525 м² ўрганилди.

Ушбу тажрибаларда калта палак навлар учун ҳам узун палак навлар учун ҳам ўсимлик озикланиш майдонини ортиши (ёки ўсимлик қалинлигини камайиши) бир туп ўсимликнинг поя ва ён шохлари узунлигини, ён шох ва барглари сонини, барг юзаси ва барг поя вазнини ортганлиги тасдиқланди.

Шунинг учун майдон биригидаги ўсимлик барги юзаси ва барг поя вазни камайди. Ўсимлик қалинлигини ортиши эртаки ҳосил улушининг ортишига, бир тупдаги меванинг ўртача вазни ва умумий ҳосилини камайишига олиб келган.


Майдон биригидаги ҳосил шакилланиши калта палак Парад навида ўсимлик қалинлиги 31,7 минг дона/га ва озикланиш майдони 0,315 м², узун палак Омад навида эса ўсимлик қалинлиги 23,8 минг дона/га ва озикланиш майдони 0,42 м² бўлганда энг юқори ҳосил олинган.

Бодрингни янги узун палак навларини мақбул ўсимлик қалинлиги ва экиш схемаси $\frac{(70+140)}{2}$ қаторлар ораси 30, 40, 50 ва $\frac{(70+210)}{2}$ қаторлар ораси 20, 30 ва 40 см озикланиш майдони 0,28, 0,42 ва 0,56 ҳамда ўсимлик қалинлиги 35,7, 23,8 ва 17,8 минг ўсим/га бўлган вариантлари ўрганилди (3-жадвал ва 3-расм).

3-жадвал.

Турли хил экиш схемаларида экилган бодрингнинг Ғолиб навини товарбop ҳосили, бир туп ўсимликнинг ҳосили ва мевасининг ўртача вазни кўрсаткичлари (2015-2016 йй.).

Экиш схемаси, см	Ўсимлик қалинлиги, дона/га	Мевани ўртача вазни, г	Бир туп ҳосили, кг	Товарбop ҳосил улуши, %	Товарбop ҳосил			
					т/га			назоратга нисатан, %
					2015	2016	ўрт.	
$\frac{(140+70)}{2} \times 30$, назорат	31714	115	1,00	85.7	29,6	33,8	31,7	100,0
$\frac{(140+70)}{2} \times 40$	23809	118	1,42	88.0	35,7	31,9	33,8	106,6
$\frac{(140+70)}{2} \times 50$	19047	121	1,70	90.3	35,4	29,4	32,4	102,2
$\frac{(210+70)}{2} \times 20$	35714	126	0,90	92.6	33,9	30,3	32,1	101,2
$\frac{(210+70)}{2} \times 30$	23809	130	1,32	90.1	33,2	29,6	31,4	99,0
$\frac{(210+70)}{2} \times 40$	17886	134	1,67	92.7	31,3	28,7	30,0	94,6
ЭКМФ ₀₅ ,					1,5	1,2		
Sx, %					2,3	3,8		



3-расм. Турли хил экиш схемаларида экилган бодрингнинг Мафтун навини товарбop ҳосили (2015-2016 йй.).

Ушбу тадқиқот натижасида ўсимликни озикланиш майдонини кенгайтириши бир туپ ўсимликни ер устки қисмини ва ҳосилдорлигини ортиши ҳамда ун шудринг ва фузариоз сўлиш касалликлари билан касалланиш даражаси камайиши тасдиқланди.

Майдон бирлигидан олинган ҳосил аввалги тажрибалар сингари, янги узун палак навларда 140+70/2x40 см экиш схемаси ва 23,8 минг ўсим/га да энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Юқори ҳосил ва кўшимча даромад (5078,2-10135,5 минг сўм/га) билан таъминловчи ўсимликни энг яхши экиш схемаси аниқлади. Кўшимча ҳосилни йиғиб олишга сарфланган кўшимча ҳаражатлар кўшимча маҳсулот баҳосидан кам кўрсаткичга эга бўлди.

Диссертациянинг «Истикболли бодринг навларини инновацион усулда тик симбағазда етиштириш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган олтинчи бобида кўшимча ҳаражатларни, яъни таянч устунлар, симлар, иплар ва симбағазни қуриш, кўшимча ҳосилни териш ва ташиш, устама ҳаражатлар (10697-11017 минг сўм/га) га кўшимча товарбop маҳсулот баҳосини (26250-27050 минг сўм/га) таққослаб кўрилганда юқори эканлиги исботланди. Бодрингни очик майдонларда симбағазда етиштириш иқтисодий самара берганлиги яъни ҳосилдорликни ортиши ҳисобига 15553-16233 минг сўм/га кўшимча даромад олинганлиги аниқланди.

Симбағазда етиштириш одатдаги усулда етиштиришга таққосланганда, ҳар икки экиш муддатида ҳам ўсимликни асосий пояси ва ён шохлари ўсиши ва барглари сони камайиши кузатилди. Улар ёзги экиш даврида 1-2 кун ўсимликни ҳосилга кириш даврини тезлаштирган ва шуни ҳисобига ҳосил бериш даври узайган. Баҳорги экиш муддатида эса симбағазда етиштирилганда ҳосил бериш даври кечроқ тамомланган. Симбағаз усули ўсимликлар орасидаги ҳаво айланиши жараёнини яхшилаб, фузариоз сўлиш ва айниқса ун шудринг касаллиги билан касалланишини камайишига олиб келди.

Ўсимликлар тик симбағазда етиштирилганда ундаги шаклландувчи мевалар сони кўпайди, меванинг ўртача вазни бир қанча камайди ва


меванинг фракцион таркиби яхшиланишига олиб келди. Аммо меванинг мазасига унча таъсир этмади (4-жадвал).

4-жадвал.

Бодрингни баҳорги муддатда одатдаги ва симбағазда етиштиришда биометрик ва фенологик кузатув натижалари (2017-2019 йй.).

Нав намуналари	Асосий поя узунлиги, см	Ён шохлар сони, дона/ўс	Барглари сони, дона/ўс	Уруғлар униб чиққандан то		Товарбоп ҳосил улуши, %	Мевани ўртача вазни, г	Дегустацион баҳоси, балл
				биринчи терим	охирги терим			
Одатдаги усулда етиштириш								
Узбекский 740	168	6,2	92	45	86	83,9	157	9,0
Наврўз	148	6,5	103	41	87	87,7	142	9,4
Севинч	122	2,6	70	34	95	90,5	105	9,7
Самар F ₁	140	3,2	71	34	97	93,0	112	9,8
Орзу F ₁	130	3,4	74	33	96	92,1	99	9,8
ЭКМФ ₀₅							10,0	
Sx, %							2,4	
Симбағаз усулда етиштириш								
Узбекский 740	156	4,3	106	43	92	88,5	147	9,0
Наврўз	142	3,8	119	39	94	90,6	128	9,5
Севинч	120	2,0	74	31	102	97,0	98	9,8
Самар F ₁	131	2,2	76	30	103	97,0	105	9,8
Орзу F ₁	125	2,4	79	30	103	98,0	95	9,8
ЭКМФ ₀₅							9,2	
Sx, %							3,0	

Тик симбағазда етиштирилганда ҳар икки экиш муддатида ҳам умумий ҳосилдан товарбоп ҳосил улушининг юқори эканлиги аниқланди. Бунда одатдаги усулга нисбатан кўшимча товарбоп ҳосил ёзги экиш муддатида нав намуналар аро 9,3 дан 12,1 т/га гача ёки 36 дан 47% гача ва баҳорги муддатда эса 9,2 дан 12,2 т/га ёки 33 дан 45% гача юқори эканлиги аниқланди (4-расм).



4-расм. Бодрингни баҳорги муддатда одатдаги ва тик симбағаз усулларида етиштиришда товарбоп ҳосили (2017-2019 йй.).

Диссертациянинг «Бодрингни ковоқдош экинларга пайвандлашнинг асосий технологик элементларини такомиллаштириш» деб номланган еттинчи бобида пайвандуст бодрингнинг Узбекский 740 нави уруғлари экилгандан 4 кундан сўнг униб чиққан ҳамда пайвантаглардан Лагенария AV 4, Местный к-535 намуналари 7-8 кунда, қолган барча пайвантаглар эса 5-6 кунда униб чиққан. Бодрингни Узбекский 740 нави уруғбарги остининг диаметри 2,3 мм бўлиб, у билан бир хил диаметрга Лагенария AV 4, Sol Kitchas к-104 намуналар эга бўлди. Унга яқин (2,4 мм) диаметрли пайвантаглар AV 1, AV 3, Barly butlernum tub к-582, образец К-166 ва Местный К-535 аниқланди. Барча синалган пайвантаглар умумий узунлиги бўйича пайвандустга нисбатан ҳар хил бўлди.

Изланишларда уч хил микроклим кўрсаткичлари бўйича (ҳарорат кундузи 12-21°C, кечаси 8-10°C, ХНН 70-80%; мос равишда 22-28, 18-20°C, 90-95%; 29-35, 25-28°C, 50-60%) пайвандлашда барча 13 та пайвантаглардан энг яхши тутувчанликка эга бўлган пайвантагда ҳарорат кундузи 22-28°C, кечаси 18-20°C ва ХНН 90-95% бўлганда кузатилди.

Шу билан бирга энг яхши тутувчанликка (70-80%) эга бўлган пайвантаг Лагенария AV 4 ва мускат ковоқнинг Палов каду 268 нави, ва энг ёмон натижа (20-30%) – Sol Kitchas к-104, Barly butlernum tub к-582, Местный К-535, образец К-166 пайвантагларда кузатилди. Қолган пайвантаглар эса пайвандустнинг тутувчанлиги 50-60% ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал.

Пайвандустга ҳар хил пайвандлаш усулларини қўлланганда тутувчанлиги ва ноқулай омилларга чидамлилиги (2016-2018 йй.).

Пайвандлаш усуллари	Бодрингни Ғолиб нави				Бодрингни Мафтун нави			
	Палов каду 268		Кашгарская 1644		Палов каду 268		Кашгарская 1644	
	тутувчан-лик, %	ташқи омилга чидамлилиги	тутувчан-лик, %	ташқи омилга чидамлилиги	тутувчан-лик, %	ташқи омилга чидамлилиги	тутувчан-лик, %	ташқи омилга чидамлилиги
Оддий	60	яхши	50	яхши	57	яхши	60	яхши
Искана	83	жуда яхши	77	жуда яхши	83	жуда яхши	80	жуда яхши
Ёрма	50	чидам-сиз	47	чидам-сиз	47	чидам-сиз	40	чидам-сиз
Ён томондан кесиб пайвандлаш	57	чидам-сиз	50	чидам-сиз	50	чидам-сиз	60	чидам-сиз
Қозикча	7	жуда чидам-сиз	0	жуда чидам-сиз	0	жуда чидам-сиз	7	жуда чидам-сиз
Яқинлаштириб	80	жуда яхши	87	жуда яхши	87	жуда яхши	83	жуда яхши

Барча пайвантагларга пайвандланган ўсимликларда асосий пояни узунлиги ва бўғимлар оралиғи узун бўлиб шаклланганлиги, барглари сонини кўпайганлиги, эрта ҳосилга кирганлиги ва кеч тамомлаганлиги аниқланди. Бу юқори даражада Лагенария AV 4, ковоқнинг Палов каду 268 нави

пайвантагларида, паст даражада AV 2, Sol Kitchas к-104 пайвантагларида кузатилди.

Шунингдек, барча пайвандланган ўсимликларда фузариоз сўлиш ва ун шудринг касаллиги билан касалланиш даражаси кам бўлди. Асосан бу Лагенария AV 4, қовоқ навларидан Палов каду 268 ва Кашгарская 1644 пайвантагларида ўсганда юқори натижага, AV 2, Barly butlernum mub к-582, Местный К-535 пайвантагларида пастроқ натижани кўрсатди.

Барча пайвантагларга пайвандланган ўсимликларда умумий ва товарбоп ҳосил ошганлиги аниқланди. Нисбатан юқори қўшимча ҳосил ва даромад (8989,65-11584,55 минг сўм/га) Лагенария AV 4, қовоқнинг Палов каду 268 ва Кашгарская 1644 пайвантаглари қўлланилган вариантларда олинди.

Ўсимликни ер устки қисмига ижобий таъсир этган, пайвандустнинг ҳосилга киришини тезлаштириган, касалликлардан зарарланишини пасайтирган ва ҳосилдорликни оширган, яъни истикболли пайвантаглар сифатида Лагенария AV 4, қовоқ навларидан Палов каду 268 ва Кашгарская 1644 пайвантаглар ажралиб чиқди.

Бодрингни пайвандлаш усуллари қўллаш самарадорлигини баҳолаш бўйича таққосланганда уларнинг пайвандустни тутувчанлик даражасини таъминловчи ва ҳар хил ноқулай ташқи муҳит омилларига таъсири аниқланди.

Пайвантаг сифатида фойдаланишда қовоқнинг Палов каду 268 ва Кашгарская 1644 навларида пайвандлашнинг яқинлаштириб ва искана усуллари қўллаш, энг юқори тутувчанлик ва ноқулай ташқи муҳит омилларига чидамликни таъминлаган.

ХУЛОСАЛАР

